


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ  
ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
НЕМИС ВА ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИ КАФЕДРАСИ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА ЗАМОНАВИЙ  
ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН  
Фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда  
долзарб усуллари**

**мавзусидаги республика миқёсидаги ОНЛАЙН  
илмий-амалий анжумани материаллари**

**ТЎПЛАМИ**



**БУХОРО – 2020**

Хорижий тилларни ўргатишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишнинг мақсад ва вазифалари ҳамда долзарб усуллари: мақолалар тўплами, тўпловчи ва нашрга тайёрловчи: Д.З.Ҳаётова; Бухоро; “Standart poligraf” нашриёти, 2020 йил, 417-бет.

Тўпланда илм-фан ва маърифат тўхтовсиз жадаллик билан ривожланаётган бир пайтда республикамиз олимлари, профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, докторант ва мустақил изланувчилар, магистрлар, иқтидорли талабаларнинг илм-маърифатни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар, тилшунослик фанининг долзарб масалалари, таржимашунослик, адабиётшунослик ва лингвомаданиятшунослик хусусиятлари, жаҳон адабиёти ва фольклоршунослигининг умубашарий омиллари, лингводидактика, хорижий тилларни ўқитишда педагогик ҳамкорлик, таълим тизими барча босқичларида хорижий тилларни ўргатишда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланишга оид сўнги илмий натижалар, муаммо, тажриба, метод ҳамда истиқбол масалалари талқинига бағишланган мақолалар ўз ифодасини топган.

Тўпландан тил ва адабиёт, таржима ва тавсия, педагогика ва методика муаммолари билан қизиқувчи ёш олимлар, мутахассислар, докторант ва мустақил изланувчилар, талабалар ва ўқувчилар фойдаланишлари мумкин.

#### **Тахрир ҳайъати:**

Проф. О.Х.Ҳамидов, доц. С.Қ.Қаҳҳоров, проф. М.Қ.Бақоева, проф. Д.С.Ўраева, ф.ф.д. М.М.Жўраева, доц. М.Н.Ҳикматова, PhD Я.Б.Рўзиёв, PhD О.М.Файзуллаев, PhD М.Б.Ахмедова, катта ўқитувчилар Д.Ҳ.Каримова, М.М.Махмудова

#### **Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

Мустақил изланувчи ўқитувчи: Д.З.Ҳаётова

#### **Тақризчилар:**

Филология фанлари доктори, профессор Д.Ҳ.Қувватова  
Филология фанлари номзоди, доцент Р.Р.Бобокалонов  
Филология фанлари номзоди, доцент З.И.Расулов

Тўплам БухДУ Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (2020 йил 5 майдаги 9 -сонли баённома)

## ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ШАХСНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

*Хикматова М.Н. (БухДУ, ф.ф.н., доцент)*

Чет тилларни ўрганиш жараёнини модернизациялаштириш талабаларда билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш билангина ҳал бўлиб қолмайди. Талаба шахсининг мустақиллик, ташаббускорлик, масъулиятни ҳис этиш, танкидий фикрлаш каби сифатлар билан боғлиқ функциялари таълимнинг шахсга йўналтирилган тизими воситасида амалга оширилади.

Мазкур жараёнда таълим олувчи таълим тизимига мослаштирилмай, аксинча, таълим тизими шахсга ҳос барча педагогик-психологик хусусиятлар, яъни эркинликка интилувчанлик, мустақиллик, шахсий фикрларнинг мутлоқ ўзига ҳос тизимга эга бўлиш, ўз-ўзини тасдиқлаш эҳтиёжининг мавжудлиги ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда, талабага унинг ўзига ҳослиги, индивидуаллигини ривожлантириш имконини бериш, унинг ўз-ўзини ривожлантириши, намоён этиши учун шароит яратиш зарур. Зеро, ҳар бир талаба ўзига ҳос такрорланмас табиати, характерли хусусиятини фаоллаштириш ва намоёйиш этишга интилади.

Талаба шахсига фаолиятли ёндашув чет тилларни ўрганиш жараёнида ушбу тизимнинг концепциясини ташкил этиб, бунда талаба шахси эркинликка интилиш, ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил ўқиш, таълим жараёнида ўзлигини намоён этиш ва фаоллаштириш хусусиятлари асосида англашилади, ўқув жараёни ҳамда унинг таркибий қисмлари – дарс мақсади, мазмуни, методи, шакллари, усуллари ва воситалари талаба учун шахсан аҳамиятга эга бўлган, унинг шахсий тажрибаси маҳсули сифатида татбиқ этилади.

Талаба шахсининг таълим-тарбия асосида интенсив ривожланиши, моддий-маънавий кадрятларни ўзлаштириши фақат унинг шахсий фаолияти натижасида амалга ошади.

Чет тилини ўрганиш жараёнида талаба ўқув фаолияти моҳиятини англай олмаса, ўқув мақсадини, шунингдек, ўқитувчи қўйган вазибаларни тушуна олмайди ва қабул қилмайди, у томонидан содир этиладиган барча ҳатти-ҳаракатлар мажбурият ва мажбурлаш остида амалга оширилади, талабанинг билимлари расмий характерга, ўқитувчининг фаолияти эса расмийлик мазмунига эга бўлади. Бунда ҳар иккала таълим олувчи ва таълим берувчи ҳатти-ҳаракатларида, психологик хусусиятларида қийинчиликлар юзага келади. Билим уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган фаолият натижасидагина шаклланади. Бу ўқув жараёнида қўлланадиган мажмуалар, қўлланмалар, дарсликлар мазмунидан баъзи илмий маълумотларни шунчаки ўрганиб, ёдлаб олиш бўлмай, балки талабанинг шахсий, субъектив тажрибасига асосланган ҳақиқий билимлар бўлади.

Чет тилларни ўрганиш жараёнида талаба билимларни эгаллашга нисбатан бефарқ бўлмай, балки билимлар таълим олувчи учун шахсий мазмунга эга бўлсагина, бундай билимлар пухта ўзлаштирилади. Ўқитувчи бунга талабада тил ўрганишда, ўқув предметига нисбатан кадрятли, ижобий субъектив муносабатни таркиб топтириш натижасида эришади.

Талаба шахсининг руҳий хусусиятларини чет тилларни ўрганиш жараёнида билиб олиш ўзлаштириладиган билимларнинг талабага шахсан қизиқарли бўлиши ва хорижий тилларни билиш давр талаби эканлигини тушуниб этиши, акс ҳолда улар шубҳасиз рад этилишини кўрсатади. Бу ҳолат образли ифодаланса, индивидуал тафаккурда билимлар субъективлашади, ўзига ҳос индивидуал жиҳатларга эга бўлади. Тескари жараёнда индивидуал тасаввур ва шахсий фикрлар объектив аҳамият касб этар экан, билимлар турли нуқтаи-назарларнинг тўқнашуви, баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият натижасида ўзлаштирилади, бу эса ўқув жараёнини ноанъанавий

усулда ташкил этишнинг муҳим шакллари бўлмиш баҳс-мунозара, ўзаро ҳамкорликни талаб этади.

Чет тилларни ўрганиш жараёнида талабалар тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилувчи усуллардан фойдаланиб, шундай шарт-шароитларни таркиб топтириш лозимки, натижада талаба учун дастлаб нейтрал бўлган объект дарс жараёнида субъектив хусусият касб этсин.

Дарс жараёнидаги ўқув материали мазмуни аввал ўқитувчи томонидан ижодий қайта ишланади ва талабани қизиқтирадиган, унинг шахсий тажрибасига мос келадиган, уни фикрлашга ундайдиган жиҳатлар белгиланади. Бир қарашда ўрганиш учун қийин туюлувчи материаллар агар замонавий, қизиқарли маълумотларга бой бўлса, унинг ҳаётий ва шахсий тажрибаларига мувофиқ келса, у ҳолда аҳамиятли хусусият касб этади. Мазкур ҳолатда ўқув вазиятлари талаба шахси учун аҳамиятли вазиятга, ўқув ахборотлари талабанинг ўрганиши учун муҳим ҳодисага айланади. Ушбу жараёнда талаба ўзини мазкур ҳодисанинг ижодкори деб ҳисоблай бошлайди.

Маълумки, талаба шахсига йўналтирилган ўқув вазиятлари унинг билиш фаолиятини ташкил этиш усул ва методлари билан узвий боғлиқ ҳисобланади. Бу усуллар муаммоли-изланиш, тадқиқот-изланиш, диалогик, монологик, мунозарали, гуруҳли каби муносабат методларидан иборат. Чет тилларни ўрганишда айниқса ушбу методлардан фойдаланиш самарали натижа беради. Шунингдек, чет тилидаги ўқув машғулотларининг турлари ҳам бир нечтадир. Алоҳида эътибор диалогик муносабат ва тадқиқот-изланиш методларига қаратилади, жумладан, видеофильмлар, кўргазмали-тасвирий ва аралаш методлар ҳам рад этилмайди, албатта.

Ноанъанавий дарслар (ўйин-дарс, театрлаштирилган, сахналаштирилган, ролли-ўйинли дарслар кабилар) билан тадқиқот, изланиш машғулотлари, амалий машғулот ва ҳоказолар ҳам ташкил этилади.

Чет тилида ташкил этилган бундай машғулотларнинг мазмуни ва мавзуси бевосита талаба шахси фаолиятига ёндашув концепцияси ва тамойилларига мос келиб, талабанинг психологик жиҳатдан ёндашилганда ички дунёси, тафаккури ва шахсий ҳаётий тажрибасини максимал даражада фаоллаштиришга хизмат қилади. Бу ўринда ўқув фаолиятига рағбат уйғотиш, уни билим эгаллашга йўналтирилса, улар таълимнинг шакл ва усуллари, талаба билими, тажрибаси ва ҳиссиётларининг асосий манбаи софатида намоён бўлади.

Чет тилларни ўрганиш жараёнидаги тадқиқот-изланувчанликка йўналтирилган машғулотларда марказий ўринни шахсий вазиятлар эгаллайди, бундай вазиятлар талабани имкон қадар кўпроқ топшириқларни бажаришга жалб этиб, индивидуал ёки гуруҳ бўлиб топшириқларнинг жавобларини топишга ундайди ва ҳаракат қилдиради.

Бундай машғулотларнинг асосий мақсадларидан бири – вазифа-топшириқ сифатида қўйилган муаммоларга талабанинг ўзи жавоб топишини таъминлашдир. Талабанинг жавоблари ўқитувчи ёки бошқа талабаларнинг жавобларига мутлақо ўхшамаса-да, бироқ талаба ўз жавобидан қониқиш ҳосил қилсин, муаммо ечимини шахсан ўзи топа олганидан ғурурлана олиши муҳимдир.

Таълим жараёнида анъанавий таълим моҳиятига кўра ўқитувчи томонидан берилган топшириқ ва саволлар талабани ўқитувчи танлаган, ўзи учун эса мутлақо нотаниш тарзда фикр юритишга мажбур қилади.

Аксинча, ўқитувчи талабалар кўз ўнгида бериладиган қизиқарли топшириқларни шакллантирар экан, уларни топқирликка асосланган қизиқарли жавоблар воситасида муаммо ечимини топишга ундайди. Бундай машғулотларда қўлланиладиган методлар ўқитувчининг талабалар билан ҳамкорлик муносабатларига, талабаларнинг бир-бирлари билан ҳамкорлик муносабатларига, талабаларнинг ўз билимларини ўзлари мустақил ривожлантириш, ахборот ва илмий маълумотларга танқидий муносабатда бўлиш, ўзининг шахсий фикрини баён этиш ва ўзгалар фикрига хурмат билан ёндашиш кабиларга асосланади.

Шунга кўра, таълимнинг шахсга йўналтирилганлик технологияси анъанавий таълим технологияларидан қуйидагилар билан фарқ қилади: унда машғулотнинг асосий мақсади – тафаккур жараёнини ташкил этиш бўлиб, билим, кўникма, малакалар – талаба фаолиятининг маҳсули сифатида вужудга келади. Тафаккур жараёнининг қуввати билимлар қувватидан юқори туриб, у шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш шакли тарзида намоён бўлади, ижодий изланишнинг натижаси каби, мазкур жараённинг ўзи ҳам муҳим бўлиб, айнан у ўқитувчи ва талабани ижодкорлик ҳаракатига, янгилик олишга илҳомлантиради, мустақил изланиш ва ижодий фаолиятни ташкил этишга ундайди. Машғулот жараёнида ўқитувчи фаолият алгоритмини яратади. Бу эса ўз навбатида, ижодий тафаккур жараёнини, амалий, шахсий фикрлашни, оламнинг инсон томонидан ҳар томонлама, қониқарли идрок этилишини таъминлайди. Бунда талабанинг субъективлиги амалга ошади, жумладан, талабанинг билиш усулини мустақил белгилаш, муаммо ечимини топишда ўз дунёқараши, тафаккур тарзидан келиб чиқиш, хато қилиш ҳуқуқига эгаллик таъминланади. Бундай машғулотларнинг асосий қондаси: “ ўзинг ҳаракат қил, ўзинг билганча бажар, ўз лаёқатинг, қизиқишларинг ва шахсий тажрибангга асослан, ўз хатоингни ўзинг англаб, ўзинг тузат” каби кўрсатмаларда ўз ифодасини топади.

Демак, таълим ҳар бир талабанинг қизиқиши ва билиш қобилиятининг ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнида намоён қилиш имкониятини ярата олиши зарур. Бу ҳолат талабанинг билиш объекти ва предмети бўлган шахсий хусусиятларини аниқлаш асосида, унинг шахс сифатида ривожланишини ва ўз-ўзини ривожлантиришини таъминлайди.

фойдаланилган адабиётлар:

1. Монахов В.М. Проектирование авторской методической системы учителя. Ж. Школьная технология. 2001. №4.
2. Толипов Ў. Таълим: ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти. Соғлом авлод учун ж. 2000. №7-8.

## ДИНИЙ УСЛУБНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАРИ ХУСУСИДА

*Кўшоқова Барноҳон Йўлдошевна  
(ЎзДЖТУ, Ф.ф.ф.д(PhD))*

**Аннотация:** Ушбу мақолада маҳсул диний лексика тушунчаси, унинг ўзига хосликлари ҳақида сўз боради. Диний лексиканинг кишилик жамиятидаги ўрни ва роли хусусида тўхталиб ўтилади. Шунингдек, диний матн, унинг хусусиятлари, матннинг таъсир доираси юқори бўлишининг талаблари тўғрисида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** диний, матн, муқаддас, диний матн, муқаддас матн, диний қонун, анъана.

XX - XXI асрлар оралиғида диний адабиётга бўлган қизиқишлар сезиларли даражада ўсди ва жамиятнинг кўпчилик қисмидаги вакиллари – турли миллат ва касб эгалари бўлишларига қарамадан бутун куннинг жавобсиз саволларини муқаддас китоблардан топиш умидида муқаддас ва диний матнларга мурожаат қила бошлашди.

Инсоният маданиятига қўйилган ҳайкал деб аташ мумкин бўлган қадимий диний матнлар бутун халқларнинг дунёқараши ва дунёни сезишини, қадриятлар тизимини ва оламнинг тасвирини сезиларли даражада аниқлайди.

Диний матнлар инсониятнинг кўпийиллик тажрибалари ҳақида маълумотни ўзида сақлаб, шунинг баробарида, одамларнинг ҳаёти, анъаналари, маданияти ҳақидаги билимларнинг бебаҳо манбаи ҳисобланади.

Диний ва муқаддас матнлар, барча даврларда инсоният билимининг турли соҳаларида, жумладан, диншунослар, файласуфлар, тарихшунослар, тилшунослар, рухшунослар, маданиятшунос ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари объекти сифатида намоён бўлган.

---

#### IV-БЎЛИМ

### ЛИНГВОДИДАКТИКА ВА ПЕДАГОГИКА

<i>Бушуй Т.А.</i> Педагогик инновационный взрыв на современном этапе.....	219
<i>Тоирова Д.Ф.</i> Разговорная речь как объект лингвистического исследования.....	222
<i>Тоирова Д.Ф.</i> Путь к реалистическому методу.....	224
<i>Ҳикматова М.Н.</i> Ўқиш жараёнида сезгининг ўрни.....	227
<i>Умарова Н.З., Исянова И.А., Юсупова Н. М.</i> Проблемы обучения переводческой деятельности в вузе.....	229
<i>Ҳикматова М.Н.</i> Чет тилларни ўрганиш жараёнида шахсни фаоллаштириш омиллари.....	233
<i>Қўшоқова Б.Й.</i> Диний услубнинг ўзига хосликлари хусусида.....	235
<i>Ahmedova M.B., Hamidova I.O.</i> Pedagogik texnologiyalarni joriy etishda chet tilini o'rganishning muammo va yechimlari.....	237
<i>Khamraeva G. I., Bakhronova G. R.</i> Task-based learning as an effective way of learning foreign languages.....	238
<i>Хамраева Г. И., Махмудова М.М.</i> умумтаълим мактабларида таълим самарадорлигини оширишда интерфаол таълим технологиялари роли.....	241
<i>Khodjaqulova N.Kh.</i> Introduction to write formal and informal letters.....	243
<i>Абдурахманова М.</i> Таълимнинг сифат ва самарадорлигини оширишда инновацион технологияларнинг аҳамияти.....	247
<i>Sattorova G.</i> Les particularites des jeux numeriques en classe.....	251
<i>Рўзиев М.К.</i> Таълим жараёни давларига мос зинапоя тестлар тўпламини тайёрлаш технологияси.....	252
<i>Жаббарова М.Х., Исматова Н.</i> Абдулла Қаҳҳор дунёкарашида ахлокий-маънавий кадриятларнинг ифодаланиши ва уларнинг бадиий ижодда ақс этиши.....	254
<i>Жаббарова М.Х.</i> А.Қаҳҳор бадиий мероси - жаҳон адабиётида.....	257
<i>Муратова Н.</i> Тил ўлкашунослик фанининг ўқитиш воситаси сифатида.....	260
<i>Мусинова З.Т.</i> Преподавание иностранного языка методом дистанционного управления аннотация.....	263
<i>Maqsudova M.U.</i> Pedagogical skills and its impact on teacher activity.....	265
<i>Akratov I.</i> The influence of first language on language learning.....	267
<i>Voltaev Ch.</i> Innovative lesson - as a modern form of a lesson organization.....	273
<i>Махмудова С.Х.</i> "Ostona" konseptining lingvomadaniy tahlili.....	275
<i>Vozorova V.M.</i> Effective methods used in process of learning foreign languages for young children.....	278
<i>Djabbarova N.K.</i> Onlayn ta'limda dars o'tishning o'ziga hos hususiyatlari.....	279
<i>Ҳақимова Д.</i> Ёзма нутқда ҳиссиёт ифодаловчи шаклларнинг қўлланиши ва вазибалари.....	281
<i>Икромова Л.В.</i> Masofaviy ta'lim tizimi-oqitishning zamonaviy usuli.....	284
<i>Махкамов Т.</i> The difficulties of teaching speaking in english in technological institutions.....	287
<i>Murtazaeva A.B.</i> Modern pedagogical technology directed on development of the communication competency in foreign language.....	289
<i>Бабаева В.Т.</i> Проведения информативных бесед как основной формы коммуникации.....	290
<i>Barotova S.U.</i> The significant role of activities to teach English.....	293
<i>Niyazova M.K.</i> Interactive methods of teaching foreign languages.....	294
<i>Norova R., Navruzov B.</i> The use of modern educational technologies in improving speaking skills.....	296